УШБУ СОНДА:

2 **ЕЧИЛМАЁТГАН ТУГУН**

3 **КЎЗЛАРИНГДА МЕҲР КЎРАЙ, БОЛАЖОН!**



**ҲАМКОРЛИК ВА ДАРОМАД**



АВСТРИЯДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

4 **ҲАСАД ҚУРБОНИ** ёхуд шов-шувли суд жараёни тафсилоти

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*


# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 15 (322)
2003 йил 15 АПРЕЛ сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда


**MEZON:**

Ахборот ундан ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги таъминланган ва ҳаққоний бўлиши керак.

Ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш таъқиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўзлари тарқатаётган ахборотнинг ҳаққонийлиги учун ахборот манбаи ва муаллифи билан биргаликда қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ахборот мулкдори, эгаси ахборот беришни рад этганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

**"АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 7-МОДДА.**

# ПРОФЕССИОНАЛЛИК – ҲАРБИЙ ҚУДРАТИМИЗ АСОСИ











Мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, умуман айтганда, тинчлик ва осойишталикни таъминлашда қуролли кучлар сафида хизмат қилаётган аскар ўғлонларнинг хизмати беқиёсдир. Азал-азалдан халқимиз ўзининг мард ва жасур ўғлонларини Ватаннинг тоғдек таянчи деб билган. Шу боис, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида бу борада кенг қамровли ислоҳотлар бошлаб юборилди, ҳарбийлар зиммасига қуролли кучларда ҳақиқий, мард, жасур, қўрқмас аскарларни тарбиялаш, армиямизни профессионал даражага кўтариш каби вазифалар юклатилди. Бу каби масъулиятли вазифаларни амалга ошириш учун аввало қуролли кучларда туб ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Яқинда ана шундай ислоҳотларнинг узвий давоми сифатида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган янги таҳрирдаги **"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"**ги Қонун асосида Вазирлар Маҳкамасининг **"Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори қабул қилинди.

Хўш, мазкур қонун ва қарорни қабул қилишдан кўзланган мақсад нима? Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат деганда нима тушунилади?

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, қонун бўйича сафарбарлик чақируви резерви ҳарбий хизмат тури саналиб, у 2003 йилнинг баҳорги чақирувидан бошлаб ташкил этилади. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат — муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли, чақирилиш муддатини кечиктириш ва ундан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, фақат навбатдаги чақирув давомида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган шахслар томонидан ўталадиган ҳарбий хизмат туридир. Сафарбарлик чақируви резервида хизмат ўташ шарти — фуқароларнинг пул бадали тўлаши ва хизмат мобайнида ойлик ҳарбий йиғинларга иштирок этиши ҳисобланади. Ҳар бир фуқаро йигирма етти ёшга тўлганга қадар сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинади. Сафарбарлик чақируви резервида хизматни ўташ даврида улар ойлик ҳарбий йиғинларни ўташга жалб этилади, фавқулодда вазият ёки мамлакатимизга қарши ҳарбий тажовуз рўй берган тақдирда эса ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилади. Белгиланган тартибда пул бадалини тўлаган ва сафарбарлик чақируви резервида бўлган даврда ойлик йиғинлардан ўтган фуқаролар муддатли ҳарбий хизматга чақирилишдан озод этилади. Сафарбарлик чақируви резервида хизматни ўтаган шахслар йигирма етти ёшга тўлгач, Қуролли Кучларнинг иккинчи тоифали резервига ўтказилади. Бу хизматга туман (шаҳар) чақирув комиссияси фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш бўйича белгиланган топшириқ бажарилгач, жисмоний ҳамда ақлий жиҳатдан яхши тайёрланган чақирилувчиларни танлаш йўли билан сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олиш тўғрисида қарор қабул қилади. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган фуқаролар билан якка тартибда суҳбат ўтказилади ва шундан сўнг ёзма шартнома тузилади. Шартномада бир қатор шартлар, яъни махсус ҳисоб рақамига бадаллар тўлаш муддати, миқдори ва тартиби, сафарбарлик чақируви резервидаги хизмати даври мобайнида қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни виждонан адо этиш, учинчи шахс (кафил) томонидан сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахс томонидан тегишли молиявий мажбуриятлар зарур тарзда бажарилиши кафолати, шартномани тўхтатиш тартиблари назарда тутилади.

Шуни айтиш керакки, пул бадаллари фуқаронинг шахсан ўзи ёки унинг ҳомийси ва кафили томонидан тўланади. Бундан ташқари, бюджет маблағлари ҳисобига пул бадали тўлаш қатъиян таъқиқланади. Пул бадаллари хизматга олингандан сўнг бир йил мобайнида тўланади. Фақат пул бадаллари томонларнинг келишувига кўра, тўлиқ ҳажмда бирйўла ёхуд босқичма-босқич тўланиши мумкин. Пул бадалини тўлиқ миқдорда тўлаган шахсларга сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган кундан бошлаб ўн икки ой ўтгандан сўнг уларга ҳарбий гувоҳномалар берилади. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига хизматга олинган, ҳарбий-ҳисобга олиш бўйича турдош мутахассисликка эга бўлган, махсус ҳисоб рақамига пул бадалини тўлиқ ҳажмда тўлаган ва ойлик йиғинлардан ўтган шахслар контракт бўйича ҳарбий хизматга ихтиёрий тартибда қабул қилиниши, шунингдек, Мудофаа вазирлигининг сержантлар тайёрлаш мактабига ўқишга юборилиши мумкин. Шунингдек, пул бадали тўлиқ ҳажмда тўланмаган ёки унинг бир қисми тўланмаган тақдирда шартнома шартларига мувофиқ, тўланмаган миқдори (муддатида тўланмаган қисми) фуқародан суд тартибида ундириб олинади. Бадалнинг тўлиқ миқдори шартномада белгиланган муддатда тўланмаганда ёки белгиланган тўлов олти ойдан ортиқ муддатга кечиктирилганда фуқаро муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши мумкин. Бундай вазиятда бадал миқдорининг тўланган қисми қайтарилмайди.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахсларнинг ҳарбий йиғинлари ишлаб чиқаришдан ажратилган ҳолда ва фуқароларнинг тегишли қўшилма ва қисмларнинг ҳарбий шаҳарчаларда яшаши шарти билан Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм кадрлар бўлинмалари негизида ташкил этилади. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахсларнинг ҳарбий тайёргарлиги Мудофаа вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган ҳарбий тайёргарликни ўтказишнинг йиллик режасига мувофиқ ташкил этилади.

Умуман олганда, янги жорий этилган бу хизмат тури Ўзбекистон қуролли кучлари сафидаги ислоҳотларнинг самарали натижаси сифатида қаралмоғи лозим. Чунки ҳозир армиямизга сон эмас, балки сифат керак. Бундай хизмат турининг жорий этилишининг асл моҳияти муддатли ҳарбий хизматчиларнинг моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилиш нуфузини янада оширишдан иборат. Бошқача айтганда, энди мамлакатимиз ҳарбий қудрати асосини сифат самарадорлиги ташкил этади.

**Завқиддин АМОНОВ,**
**ҳуқуқшунос**

**O'ZBEKISTON ва дунё кеча, бугун, эртага**

*10-11 апрел кунлари Украина Президенти Леонид Кучма амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.*

*Ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган "Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти" альбомининг жойларда тақдимот тадбирлари ўтказилмоқда.*

*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида Президентимизнинг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида республика оммавий ахборот воситалари ходимлари билан мулоқот бўлиб ўтди.*

*Вазирлар Маҳкамасида Япония ҳукуматининг 2003 молиявий йилда "Ҳамширалар таълими тизимини яхшилаш лойиҳаси бўйича алмашув ноталари имзоланди.*

*Олий хўжалик судида Президентимизнинг "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинганлигининг беш йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.*

## "ИНСОН ва ҚОНУН"га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

**Газетада чоп этилган "Тарозисиз бозорлар" мақоласида кўтарилган масалалар бўйича прокуратура идоралари томонидан текшириш ўтказилди. Мақолада қайд қилинган вилоятдаги Гулистон, Янгиер, Ширин шаҳарлари ва "Пахтаобод", "Сардоба", "Кунчи", "Боёвут", "Сайҳун" деҳқон бозорларида деҳқон ва тадбиркорлар маҳсулотларни сотиш учун тош-тарози билан тўлиқ таъминланмаганлиги ўз тасдиғини топди.**

**Бундан ташқари ўтказилган текширишлар бозорларни акциядорлик жамиятларига айлантириш, акциялар чиқариш, сотиш, дивидентларни ҳисоблаш ва тўлаш пайсалга солиб келинаётгани, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини улгуржи харид қилиш мақсадида фьючерс шартномаларини тузиш яхши йўлга қўйилмагани, санитария-гигиена қоидаларига, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларга риоя қилиниши ва бозор раҳбарларининг иш услуби давр талабларига жавоб бермаслигини кўрсатди.**

**Текширишлар натижасига кўра, деҳқон бозорлари акциядорлик жамиятлари раислари У.Маматқулов, Х.Аллабердиева, Э.Алламуротов, Г.Холматов, А.Зокиров, А.Эгамбердиевлар қонунни бузмаслик ҳақида расман огоҳлантирилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини дарҳол бартараф этиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар кўриш ҳамда қонунбузилишларга йўл қўйган айбдор масъул ходимларни интизомий жавобгарлик масаласини ҳал этиш юзасидан вилоят ҳокимлигига тақдимнома киритилди.**

**Э. ЙЎЛДОШЕВ,**
**Сирдарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари**

**Adliya tizimi**

## ТОШКЕНТ

**Вилоят Адлия бошқармасининг кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлимига тадбиркорлик субъектларидан шу йилнинг ўтган биринчи чорагида 53 та ариза-шикоят келиб тушган, шундан қаноатлантирилганлари сони 17 тани ташкил этади. Шикоят аризалар бўйича судларга 3 та даъво аризалари киритилди.**

**Қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 16 та тақдимнома, 5 та огоҳнома киритилди. 21 та аризалар бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.**

## МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ЖАЗОСИ ёхуд тақдимнома нега киритилди?



***Ўтган йили Поп туманидаги Марғизор қишлоғида яшовчи С.Ҳасанов, Ф.Раҳманова, Х.Ғозиев, Н.Қўрчиев ва бошқалар "Машъал" ширкат хўжалиги раиси номига фермер хўжалигини ташкил этиш учун ер майдонини ажратиб бериш ҳамда фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратишни сўраб ариза беришди.***

Шундан сўнг "Машъал" ширкат хўжалигининг 2002 йил 22 декабридаги 9-сонли вакиллар йиғилиш қарорига асосан фермер хўжалиги ташкил этиш учун С.Ҳасановга 16,7 гектар, Ф.Раҳмоновага 26,3 гектар, Х.Ғозиевга 14 гектар, Н.Қўрчиевга 14,7 гектар, Э.Сотволдиевга 30,4 гектар, Х.Мамажоновга 18,9 гектар каби фуқароларга жами 200 гектар ер майдони ва "Нурилло" фермер хўжалигига 6,3 гектар қўшимча ер майдонлари ажратилди.

Бундан боши осмонга етган бўлғуси фермерлар шу йилнинг январ ойида "Машъал" ширкат хўжалиги вакиллар йиғилишининг 9-сонли қарори, фермер хўжаликлари ҳамда ширкат хўжалик ўртасида тузилган "Ер участкасини узоқ муддатга ижарага бериш шартномаси" каби барча зарур ҳужжатларни фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ер майдонини ажратиб бериш учун туман ҳокимлигига тақдим этишди. Аммо ушбу ҳужжатлар туман ҳокимлиги томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмади. Шундай бўлса-да, Х.Ғозиев ва бошқаларнинг фермер хўжалигини ташкил этиш ҳамда фермер хўжаликларига ер майдонларини ажратиш тўғрисидаги ҳужжатлари туман ҳокимлиги қошидаги ер майдонларини ажратиб бериш комиссияси томонидан кўриб чиқилди. Комиссия фермер хўжаликларига ер майдонлари ажратиб бериш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги далолатнома тузиб, уни тўпланган бошқа ҳужжатлар билан бирга туман ҳокимлигига тегишли қарор қабул қилиш учун тақдим этди. Улар асосида фермер хўжаликларига ер майдонлари ажратиб бериш, давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида туман ҳокимининг қарорлари тайёрланди.

Мазкур ҳужжатга ҳокимликнинг айрим масъул мансабдор шахслари, яъни туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Жуманов, туман ер ресурслари хизмати бошлиғи В.Эргашев ва туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг директори Б.Абдураҳимовлар томонидан розилик тўғрисида имзолар қўйилади. Бироқ бу иш охиригача етмай, ҳеч бир асоссиз фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ер ажратиш бўйича туман ҳокимлигига тақдим этилган ҳужжатлар "Машъал" ширкат хўжалигига қайтариб юборилди. Бундан ташқари, туман ҳокимлиги томонидан шу йилнинг 3 апрел куни вилоят адлия бошқармасига «2002 ва 2003 йилнинг шу кунига қадар "Машъал" ширкат хўжалиги ҳудудида фермер хўжаликларини ташкил этиш ҳамда туман ҳокимлигига ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳам рўйхатга олинмаган», деб 1-44-157-сонли маълумотнома берилган.

Шу тариқа "Машъал" ширкат хўжалиги ва туман ҳокимлиги томонидан Ер ва Фуқаролик Кодекслари, **"Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"**ги, **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги**

**Bugunning gapi**

**нинг кафолатлари тўғрисида"**ги, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий, ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги, Қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарори билан тасдиқланган "Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатли ижарага бериш тартиби", 2001 йил 22 августдаги 347-сонли "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорларининг бир қанча талаблари қўпол равишда бузилган.

Шу боис вилоят адлия бошқармаси ушбу қонунбузилишларни бартараф этиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида"ги 57-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида туман ҳокими номига тақдимнома киритди. У тез орада ижро этиладими ёки муаммо муаммолигича қоладими — буни энди вақт кўрсатади. Шу сабабли ҳозирча бу масалага нисбатан якуний фикр айтишга ҳали эрта. Лекин тақдимнома киритилишининг сабабли аниқ: масъулиятсизлик. Ўйлаймизки, мутасаддилар бу гал масалага масъулият билан ёндашишади.

**Толибжон МИРАБДУЛЛАЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

**Huquqiy ma`rifat**

## КАФОЛАТ МУДДАТИ

Ҳар бир истеъмолчи ўзи харид қилаётган товар, кўрсатилаётган хизмат ва ўз фойдасига бажарилаётган ишда камчилик ҳамда нуқсонлар мавжуд бўлса, уларни сотувчи, ижрочи ва пудратчи томонидан текинга бартараф этиш, сифатли ёки янгиси билан алмаштириб олиш ҳуқуқига эга. Шу маънода ана шу товар ёки кўрсатилган хизматнинг кафолат муддатини билиш муҳим аҳамият касб этади. Нега деганда, ана шу кафолат муддатини билиш истеъмолчи ҳуқуқини тиклашда асос бўлиб хизмат қилади.

Қонунчиликда кафолат муддати товар (иш, хизмат)дан фойдаланишнинг (ойлар ҳисобидаги) меъёрий муддати ёки товар (иш, хизмат)нинг муайян вазифани (неча соат, неча иш жараёни, қанча километр масофа ва ҳоказо) бажариш вақти тарзида белгиланган муддати ҳисобланади. Бу муддат ичида ишлаб чиқарувчи (ижрочи), агар товарни ишлатиш (хизматда фойдаланиш) қоидаларига риоя этилган бўлса, товар (хизмат)нинг сифатига нисбатан меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган талаблар бажарилишини кафолатлайди ва таъминлайди (**"Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги Қонуннинг 1-моддаси).

Кафолат муддати аксарият ҳолатларда товарлар, ишлар, хизматларни истеъмолчиларга таклиф этишнинг ўзига хос усули саналади. Чунки истеъмолчи товар, иш ва хизматни уларга сотувчи, ишлаб чиқарувчи, пудратчи ҳамда ижрочи томонидан бериладиган кафолатга қараб танлайди. Шу билан бирга кафолат муддатининг қанча вақтга белгиланганини маҳсулот сифати ва чидамлилигини аниқлашнинг ўзига хос мезони вазифасини ўтайди.

Кафолат муддати давомида қарздор (ишлаб чиқарувчи, сотувчи, пудратчи, ижрочи) товар ҳеч қандай эътирозларсиз истеъмолда бўлишига кафолат беради ва вужудга келиши мумкин бўлган камчиликларни тузатиш ёки маҳсулотни сифатлиси билан алмаштириш мажбуриятини олади. Шу боис, бу муддатлар давомида вужудга келган камчиликлар ва нуқсонлар юзасидан қарздор зиммасига юклатиладиган хатти-ҳаракатлар асосий мажбуриятга қўшимча равишда вужудга келадиган мажбурият ҳисобланади. Чунки қарздор кафолат муддати давомида товар, иш ва хизматда нуқсонлар ва камчиликлар юзага келмаса бундай мажбуриятлар вужудга келмаслиги ҳам мумкин.

Кафолат муддати истеъмолчиларни товар, иш ёки хизматни кўздан кечириш, ундан фойдаланиш, сақлаш жараёнида аниқланиши мумкин бўлмаган, яширин камчиликлар натижасида вужудга келадиган зарарлар хавфидан муҳофаза қилади.

(Давоми учинчи бетда)

Jurnalist surishtiruvi

# ЕЧИЛМАЁТГАН ТУГУН

Каттақўрғон шаҳридаги "Нафаз" хусусий фирмаси иш юритувчиси Эркин Жумаев ўз аризасида шундай ёзади:

— Хусусий фирмамиз қурилиш ва ишлаб чиқариш билан шуғулланади. 2001 йилнинг 6 август куни Гўзалкент тумани халқ таълими бўлими мудири Раҳматулла Шодиев билан икки тонна ёзув бўри етказиб бериш учун 19-рақамли ҳисоб шартнома туздик. Мен 2001 йилнинг 6 декабр куни ёзув бўрини буюртмачига топширдик. Буюртмачи бизнинг банкдаги ҳисоб рақамимизга 500 минг сўм пул кўчириши керак эди. Бироқ пул банкдаги ҳисоб рақамимизга тушмасдан туриб, Гўзалкент Пастдарғом туманига қўшилиб кетди.

Буюртмачига юкни ўзим олиб бориб берганим учун энди Пастдарғом тумани халқ таълими бўлимига ҳар ойда пулимизни тўлашни сўраб тўрт-беш марта қатнадим. Ёзув бўри топширилгани тўғрисидаги ҳужжатлар ҳар икки томонда бор. Туман халқ таълими бўлими мудири Ҳотам Қодировга ҳам кўп мартаба мурожаат қилдим. Ёшларга таълим-тарбия берадиган устозларнинг раҳбари шундай иш тутса, ўйланиб қолар экан, киши. Ахир, тадбиркорнинг қонуний ҳақини қандай тўламаслик мумкин?"

Шунингдек, И.Жумаев ўз аризасига шартнома нусхаси, 18-рақамли юк хати, солиштирма далолатномани ҳам илова қилган.

Мазкур ариза юзасидан Пастдарғом туман халқ таълими бўлимида бўлдик. Собиқ Гўзалкент туман халқ таълими бўлими мудири Раҳматулла Шодиев бу ерда бўлим мудирининг ўринбосари вазифасида ишлаётган экан. У "Нафаз" хусусий фирмаси билан тузилган шартномага ҳақиқатан ҳам, ўзи имзо чекканини тан олди. Ўзаро суҳбатда Р.Шодиев масалага шундай муносабат билдирди: Тадбиркор ҳақ. Агар у судга мурожаат қилса, ҳақини ундириб олади. Шунинг учун маҳсулот ҳақи тўланиши керак...

Бундан ташқари, халқ таълими бўлими муҳандиси Ризамат Низомов, таъминотчи Қаҳрамон Ҳакимов ҳам шахсан И.Жумаевнинг қўлидан икки тонна ёзув бўрини қабул қилиб олишгани ва маҳсулотни мактабларга тарқатиб юборишганини таъкидлашди. Бир қарашда муаммо ўз ечимини топгандек туюлади. Бироқ бош ҳисобчи Холбой Азимовнинг айтишича, Гўзалкент тумани Пастдарғом туманига қўшилаётган пайтда дебитор қарзлар далолатномасига туман халқ таълими бўлимининг "Нафаз" хусусий фирмасидан қарздорлиги киритилмаган эмиш. Бу собиқ бош ҳисобчи Рўзиқул Ҳазратқулов ва Собир Номозовнинг хатоси экан. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: кимдир хатога йўл қўйган бўлса, нега энди бунинг жабрини тадбиркор тортиши керак?! Олди-берди қиладиган қайси ташкилот, муассаса ёки корхона қарзимни далолатномага киритдингми ёки йўқ, деб сўраб юради?! Ажабланарлиси шундаки, бош ҳисобчининг айтган фикрини бўлим ҳисобчиси Раҳмат Номозов таҳририятга ёзган тушунтириш хатида инкор қилди:

"Нафаз" хусусий фирмаси билан туман таълими бўлими ўртасидаги 2 тонна ёзув бўри юзасидан 2002 йил 1 январ ҳолатига кўра 500 минг сўмлик қарздорлик бор. Бу ҳақда солиштирма далолатнома тузилиб, бош ҳисобчи Номозов Собирга топширилган".

Бироқ хусусий фирманинг ёзув бўрига доир ҳужжатлари бўлим ҳисобхонасидан топилмади. Бунинг устига Собир Номозов бошқа жойга ишга ўтиб кетган. Э.Жумаевнинг илтимоси билан собиқ бош ҳисобчи туман халқ таълими бўлими ҳисобхонасига келди. Холбой Азимовга учрашиб, ишни топшираётганда тадбиркор топширган маҳсулотга дахлдор ҳужжатларни қолдириб кетганини, тадбиркорга пулини тўлаш лозимлигини айтди...

Туман халқ таълими бўлими мудири Ҳ.Қодиров таъминотчи, муҳандис, бош ҳисобчи ва шу ишга дахлдор ҳисобчиларни йиғиб, улар билан маслаҳатлашди. Якуний хулосага келинди: биз хусусий фирмадан қарздормиз. Уни тўлашимиз керак.

Мудирнинг дангал жавобини эшитган Э.Жумаев қувониб кетди.

— Майли, — деди у, — келгусида яна ҳамкорлик қилишимиз бор. Ҳисоб рақамимизга пулни ўтказиб беришса бўлди, бошқа ҳеч қандай даъвом йўқ.

Шундан сўнг туман халқ таълим бўлимида бу муаммо билан боғлиқ ишлар бирдан юришиб кетди. Э.Жумаевнинг қўлидаги ҳужжатлардан кўчирма олинди. Сўнг бош ҳисобчи Х.Азимов ҳисобчилардан бирини чақириб, дарҳол тўлов топшириқномаси тайёрлашни буюрди. Кейин пул бўлди дегунча фирманинг банкдаги ҳисоб рақамига қарзни кўчиражагини айтди.

Орадан бир ой ўтди. Аммо ҳеч нима ўзгармади. Жума шаҳрига қўнғироқ қилиб, бош ҳисобчи билан боғландик.

— Бу ойда бирон жойга бир сўм ҳам пул кўчиришга рухсат берилмади, — дея жавоб берди Х.Азимов. — Фақат коммунал тўловларни тўладик. "Нафаз" хусусий фирмасининг пули келгуси ойда, албатта, ҳал этилади.

— Бўпти, шунча вақт ўтди, — деди Э.Жумаев бош ҳисобчининг гапини эшитиб. — Яна бир ой кутайлик, ваъда қилишаяпти-ку?

Буни қарангки, тадбиркор кутган яна бир ой ўтди. Лекин...

Йўлимиз яна Жума шаҳрига тушганда халқ таълими бўлимига кирдик. Х.Азимов темир шкафдаги қалин-қалин папкалар орасидан "Нафаз" фирмасига доир ҳужжатларни тополмади. Мудир Ҳ.Қодиров эса яна ўша гапни такрорлайди: "Тўлаймиз!"

Чамаси, туман халқ таълими бўлими мутасаддиларида хусусий фирмадан олинган маҳсулотнинг пулини биздан аввалги раҳбарлар тўлаб беришлари керак эди, деган пинҳоний тушунча мавжуд шекилли. Йўқса Ҳ.Қодиров ҳам, бош ҳисобчи Х.Азимов ҳам бу тугунни ечишган бўларди. Энди бу масалага мутасаддилар ойдинлик киритишса, ажаб эмас.

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Gazetxon xat yo`llabdi

## АДВОКАТЛИК ВАКОЛАТИ КИМГА БЕРИЛАДИ?

***Ҳурматли таҳририят аъзолари! Мен ўз иш фаолиятимда дуч келган бир муаммо юзасидан Сизларга мурожаат этмоқдаман. Гап шундаки, Навоий шаҳрида яшовчи фуқаро Илҳом Ҳайитов олий техник маълумотга эга, илгари Жиноят Кодексининг 167-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилган. жиноят ишини кўришда гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг ҳимоячиси сифатида ишончнома кўрсатиб, ўзининг ҳуқуқини адвокат ҳуқуқидан устун қўйиб келмоқда. Хусусан, вояга етмаган шахснинг жиноят ишини кўришда ЖПКнинг 51-моддасига асосан адвокат таклиф қилинганда, И.Ҳайитов айбланувчини ҳимоя қилишга ишончномаси борлиги ва ушбу иш бўйича қонуний ҳимоячи эканлигини рўкач қилиб, адвокат ишда қатнашиш ҳуқуқи йўқлигини айтди. Бунга айбланувчи ва унинг ота-онаси ўртасида шартнома тузилмаганини сабаб қилиб кўрсатган.***

***Хуллас, айбланаётган вояга етмаганларнинг иши кўрилганда И.Ҳайитов ундан бошқа ҳеч қандай адвокат қатнашишга ҳуқуқи йўқлиги ҳақида талаб қўймоқда. Унинг хатти-ҳаракатларини қонун талабларига қанчалик мос эканини аниқлаш учун қуйидаги саволларга жавоб беришингизни сўрайман.***

***1. Юридик маълумотга эга бўлмаган фуқаро ўзи хоҳлаган жиноят ишини кўришда ҳимоячи сифатида қатнашиш ҳуқуқига эгами? Ёки айбланувчи сифатида алоҳида бир ишда унинг яқин қариндоши, таниши ёки бирга ишлайдигани бўлсагина иштирок этадими?***

***2. Агар у жиноят ишини кўришда ҳимоячи сифатида қатнашса, ЖПКнинг 53-моддасида кўрсатилган адвокатнинг ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинми?***

**Б. АҲАТОВ,**
**терговчи**

— Аввало шуни айтиш керакки, ҳимоячи ЖПКнинг 49-моддасига асосан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир. Ишда ҳимоячи сифатида адвокатлар, ҳимоячи сифатида қатнашиш учун махсус рухсатномага эга шахслар ва жамоат бирлашмаларининг ўз аъзоларининг ишлари бўйича вакиллари қатнашиши мумкин. Қонунчиликда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари, шунингдек, бошқа шахслар ҳимоячи сифатида иштирок эитишга терговчининг қарори ёки суд ажрими бўйича йўл қўйилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида олий юридик маълумотга эга бўлган ва белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган фуқаролар адвокат бўлиши қайд этилган. ЖПКнинг 60-моддасига биноан қонуний вакил ишда иштирок этишга вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жалб этилади. Ишда қонуний вакил сифатида ота-она, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар, вояга етмаган ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган иштирокчига ҳомийлик қилувчи муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашиши мумкин. Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишга йўл қўйилгани ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Агар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг манфаатлари билан қонуний вакилнинг манфаатлари ўзаро мос келмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи тарафида ишда иштирок этиш учун қарор ёхуд ажрим билан адвокат тайинланади. Шуларга асосан И.Ҳайитов жиноят ишини кўришда судда ҳимоячи сифатида ЖПКнинг 53-моддасида кўрсатилган адвокатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

## ИМТИЁЗ МАВЖУД...

***Ҳозирги кунда ота-онам кексалик нафақасини олишади. Умр йўлдошим ҳам уйда болалар тарбияси билан банд. Мен II-гуруҳ ногирониман (болаликдан). Ҳозирда тадбиркорлик билан шуғулланаман, дўкон очганман. Мен олдинги йиллари ногиронлигим учун ДСХга 50 фоиз солиқ тўлар эдим. Мен сингари ногиронлар учун ДСХ ва ҳокимият учун тўланадиган солиқнинг чегирилган бадали ҳозир ҳам мавжудми? Умуман айтганда, II-гуруҳ ногиронларига бу борада қандай имтиёзлар мавжуд?***

**У. ЗОКИРОВ,**
**Андижон вилояти, Пойтуғ шаҳри**

— Сиз II-гуруҳ ногирони (болаликдан) бўлганингиз учун солиқ тўлашда имтиёзлар мавжуд. Жумладан, Солиқ Кодексининг 59-моддаси (жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқдан озод қилиш) 2-қисми «Д» бандига мувофиқ болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлари қисман ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида солиқдан озод қилинади.

Бундан ташқари, I ва II гуруҳ ногиронлари мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича имтиёзларга (93-модда) эга. Уларнинг иморат, бино ва иншоотларига солиқ солинмайди.

Солиқ Кодексининг 102-моддаси (ер солиғи тўлашдан озод қилинган солиқ тўловчилар)га мувофиқ I ва II гуруҳ ногиронлари ер солиғи тўлашдан озод қилинади.

Шу билан бирга, сиз ҳокимиятга тўлаётган тадбиркорлик фаолияти учун лицензия олишдаги тўловингизни ҳар ойда тўлиқ тўлашингиз шарт. Ҳозир ҳам ДСХга 50 фоиз миқдорида солиқ тўлайсиз.

**Газетхонларнинг саволларига ҳуқуқшунослар Ойгул ЮСУФБОЕВА ва Саломат НИЁЗОВА жавоб тайёрлашди.**



# УЗОҚЛАШГАН МАНЗИЛ

Saboq

## У ХОЛИС МАҚСАД ЙЎЛИДА ҒОВ ЭМАС

Термизлик тадбиркор Ғофур Йўлдошев темир йўл корхонасидан хизматини ўтаб бўлган тепловоз сотиб олди. Кейин эса ўзи раҳбарлик қилаётган Термиз шаҳридаги "Сурхон-Цитурус" хусусий фирмаси ҳисобидан анча маблағ сарфлаб, уни таъмирдан чиқарди. Узоқ сарсонгарчиликдан сўнг туппа-тузук ишлаб турган тепловозни керакли ҳужжатларни расмийлаштириб, қўшни республикага ижарага берди. Ўтган йилнинг 16 апрел куни тузилган 1-10-сонли шартномага биноан хусусий фирмага қарашли "2 ТЭ-10Л" русумли тепловоз уч ой муддатга синов-эксперемент ўтказиш шарти билан "саёҳат"га йўл олди.

Лекин 16 май куни Сариосиё темир йўл станциясига етиб келган тепловоз Сариосиё божхонасида 52 кун ушланиб қолди. Аниқроғи, шу ерлик божхоначи Раҳматулло Алимов "саёҳатчи" тепловознинг ҳужжатларини текшириб чиқишга шунча вақт сарфлади. Бу муддат яна чўзилиши мумкин эди, бироқ Ғафур Йўлдошев ҳам қараб турмади. Ниҳоят, 52 кун деганда ўзининг ҳақлигини исбот қилган тадбиркор тепловозни шартнома тузган корхонага етказиб берди. Шартнома шартида белгиланган муддатдан 52 кунга кечикиб келган тепловозни бу ерда янада қаттиқроқ синовлар кутиб турган экан. Очиғи, ижарага олувчилар тепловозни хомталаш қилишди. Кўплаб эҳтиёт қисмлари ечиб олинган тепловоз яна таъмирталаб бўлиб қолди.

Яхшиямки, тадбиркор шартнома шартларининг бажарилмаётгани ва бу унинг айби билан содир этилмаётгани тўғрисида мутасадди ташкилотларга алоқа ва билдириш хатларини юборган эди. Ана шу тадбир Ғ.Йўлдошевга тепловозни ўзида сақлаб қолиш имконини берди. Турли "чоп-чоп"у асаббузарликлардан сўнг ўтган йилнинг 20 сентябр куни Ғ.Йўлдошевга қарашли тепловоз Сариосиё темир йўл бекатига олиб келинди. Шунда Сариосиё темир йўл божхона масканининг ходими Р.Алимов "таниш" тепловоз тақдири билан яна жиддий равишда шуғуллана бошлади. У "Сурхон-Цитурус" хусусий фирмасига қарашли тепловознинг тегишли ҳужжатларини расмийлаштириш ўрнига МЖТКнинг 2257-моддаси асосида фирма раҳбари Ғ.Йўдошевни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор чиқариб, уни керакли ҳужжатлар билан жиноят ишлари бўйича Узун туман судига юборди.

Узун туман суди мазкур иш билан танишиб чиққач, хусусий фирма раҳбари Ғофур Йўлдошевга нисбатан МЖТКнинг 227-моддаси 1-қисми билан 31.675 сўм маъмурий жарима қўллаш ва далилий аёш сифатида олинган "2 ТЭ 10Л" русумли тепловозни давлат фойдасига мусодара қилиш ҳақида ҳал қилув қарорини эълон қилди.

Шу тариқа тепловозидан айрилиб қолган тадбиркор суднинг қароридан норози бўлиб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Адлия бошқармаси ходимлари бу масалани чуқур ўрганиб чиқишганидан сўнг жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судига тақдимнома киритишди. Ушбу тақдимнома асосида суд Узун туман судининг қарорини бекор қилиш ва маъмурий ишни бошқа суд таркибида қайтадан кўриш хусусида ҳал қилув қарори чиқарди. Шундан сўнг "Сурхон-Цитурус" хусусий фирмасига нисбатан юритилган маъмурий иш жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман судида вилоят адлия бошқармаси вакили иштирокида қайта кўриб чиқилди. Суд МЖТК 271-моддаси 1-қисми асосида тадбиркор Ғ.Йўлдошевнинг хатти-ҳаракатида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломат бўлмагани туфайли унга нисбатан қўзғатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни тугатиш, Термиз темир йўл бўлимига депосида сақланаётган тепловозни эгасига қайтариш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Шу тариқа қарийб 180 кунлик сарсон-саргардонликдан кейин Ғофур Йўлдошев хусусий фирмасига қарашли тепловозни қайтариб олди.

— Тепловоз эмас, нақ бало сотиб олган эканман, — дейди тадбиркор афсусланганча. — Аслида эса тепловозни яхши ниятда сотиб олган эдим. Уни таъмирлаб, фойда оламан, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтираман, деб орзу қилгандим. Афсуски, ҳозирча орзулар амалга ошмай турибди. Бироқ ҳали шаштимдан қайтганим йўқ. Насиб этса, кўзлаган мақсадимга эришаман...

Беҳол тепловознинг баҳайбат гавдасига қараб туриб Ғафур Йўлдошевга таcанно айтиш баробарида тадбиркорнинг йўлига қўйилган сунъий тўсиқлардан ғоят афсусландик. Очиғи, ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиш, уни ҳимоя қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Шу билан бирга сансоларлигу сунъий тўсиқлар ҳар қандай инсонни ҳам чарчатиши, асабларини эговлаши айни ҳақиқат. Баён этилган воқеадан ким қандай хулоса чиқаради — бу энди ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

**Отабек НОРБОЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Qonun ko`magi

# РАИС АДАШДИ

Оқдарё туман ҳокимининг ўтган йил 25 январ куни чиқарилган 37-К рақамли қарорига асосан тумандаги Бобур номидаги ширкат хўжалигининг 251-контуридан "Тувал-УГБ" фермер хўжалигига 3 гектар ер майдони ажратилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарори билан тасдиқланган **"Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатли ижарага бериш тартиби"**нинг 19-22 бандларига асосан туман ер ресурслари хизмати бўлими томонидан фермерга ажратилган ер ширкат хўжалиги балансидан чиқарилган. Шу ўринда табиий бир савол туғилади: хўш, ҳаммаси қонуний ҳал этилган бўлса, яна қандай муаммо қолди?

Фермер хўжалиги раҳбари Гулчеҳра Абулфайзиева ҳам дастлаб шундай фикрда эди. Аммо ширкат хўжалиги раиси Улаш Муродов ўзини қонундан устун санар экан. Буни қарангки, у фермер хўжалигининг фаолият кўрсатишига очиқдан-очиқ тўсқинлик қила бошлади. Энг ёмони, ширкат хўжалик балансидан чиқарилиб, фермер ихтиёрига берилган ерни ноқонуний равишда эгаллаб олди ва буғдой эктириб юборди. Г.Абулфайзиевага эса "Ҳозир ерни ажратиб беролмайман", деган мужмал жавоб айтди.

Табиийки, бундай очиқ-ошкор ноҳақлик ҳар қандай кишининг кўнглини чўктиради. Бу ноҳақликдан Гулчеҳра Абулфайзиева ҳам ана шундай ҳолатга тушди. Кейин эса бу ноҳақлик ҳақида вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Адлия бошқармаси ходимлари ушбу масалани ўрганиб чиқиб, шундан сўнг қонунни менсимаган, ҳоким қарорини тан олмаган мансабдор шахс У.Муродовга нисбатан тўпланган маъмурий ишни кўриб чиқишни Оқдарё туман жиноят ишлари бўйича судига юборишди. Суд очиқ суд мажлисида Улаш Муродов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 66-моддасида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган, деган тўхтамга келди ва унга энг кам иш ҳақининг тўрт баравари — 18 минг 140 сўм жарима жазосини қўллади.

Раис ҳуқуқбузарлиги учун жазосини олди. Бунга ҳеч ким эътироз билдирмайди. Шу ўринда эътибор берсангиз яна бир масала очиқ қолди. Гап шундаки, фермер ўзига қонуний ажратилган ерни ололмай бир қатор мутасадди идораларига қатнаб сарсон бўлган. Аниқроқ айтганда, унинг қадр-қимматига путур етган.

Шундан келиб чиқиб, вилоят адлия бошқармаси ширкат хўжалиги томонидан ноқонуний равишда эгаллаб олинган 3 гектар ер майдонини "Тувал-УГБ" фермер хўжалигига олиб бериш ҳамда Г. Абулфайзиевага етказилган маънавий зарарни қоплаш учун 100 минг сўм ундириб бериш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судига даъво ариза киритди. Даъво суд томонидан тўлиқ қаноатлантирилди. Ер фермерга олиб берилди.

Қонунга суянганга ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Буни ўзини қонундан зўр санаган У.Муродовга ўхшаганлар билиб қўйишса, ёмон бўлмасди.

**Шарофиддин МУСАЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

Adliya tizimi

## ТОШКЕНТ

**Йилнинг биринчи чорагида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида судларга 103 та 3668477 сўмлик даъво аризалари киритилди. Мазкур даъво аризаларининг 314.597 сўмлиги фермер хўжаликларини манфаатларини кўзлаб уларга етказилган моддий зарарни ундиришни ташкил этади. 1 та 2.853.880 сўмлик даъво аризаси тадбиркорлик субъектига кредит ажратишда тўсқинликлар қилингани юзасидан, 2 та 500.000 сўмлик даъво ариза фермер хўжалиги ташкил этишда етказилган маънавий зарарни ундириш юзасидандир.**

# ТЕСКАРИ МАҚТОВ

Dakki

Ҳозирги давр назорат қилиш идоралари зиммасига ғоят масъул вазифаларни юкламоқда. Табиийки, бу масъулият жойларда тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Аммо баъзан назорат ниқоби остида қонунга зид хатти-ҳаракатларга ҳам йўл қўйилмоқдаки, бундан асло кўз юмиб бўлмайди.

Элликқалъа туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази иш фаолияти кўздан кечирилганда, мана шундай хунук ҳолатга дуч келинди. Маълумки, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги ва "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунлар, "Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида"ги ва "Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида"ги Фармонлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида"ги қарори ва шу хил йўналишдаги бошқа зарурий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Афсуски, каттагина туман доирасида фаолият кўрсатаётган нуфузли жамоа раҳбар ходимлари ушбу қонун-қоидаларни унутиб қўйганга ўхшайди. Йўқса, назорат марказининг бирваракайига тўрт нафар ходими — бош шифокор К.Эшимов, меҳнат гигиенаси бўлим бошлиғи М.Фахриддинов, санитария шифокори ёрдамчилари А.Искандаров ва И.Ўрозбоевлар назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш рухсатисиз "Ҳамкор" масъулияти чекланган жамиятида текширишлар олиб боришармиди?

Қонун талабларига кўра, текшириш юритувчи ходим текширув ўтказиш режасидан кўчирма, режага асосан белгиланган текширув муддати, текшириш ҳуқуқини берувчи буйруқ, текширувчи шахсини тасдиқловчи гувоҳномага эга бўлиши лозим. Одатда, бундай шахс ўз фаолиятини бошлашдан олдин хўжалик юритувчи субъектларни мазкур ҳужжатлар ҳамда текширув мақсади билан таништириши, "Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"ни тегишли тартибда тўлдириши шарт.

Туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ходимлари марказ бош шифокорининг 2002 йил 9 июлдаги 63-буйруғига биноан Бўстон шаҳридаги 125 та, "Қирққизобод" овулидаги 26 та, "Оқчакўл" овулидаги 11 та, Навоий овулидаги 31 та, "Амиробод" овулидаги 34 та, "Гулдурсун" овулидаги 4 та, "Сарабий" овулидаги 19 та, "Қилчиноқ" овулидаги 16 та, "Элликқалъа" овулидаги 18 та, "Тозабоғ" овулидаги 8 та, "Шарқ юлдузи" овулидаги 7 та, "Гулистон" овулидаги 7 та тадбиркорлик субъектларини текширувдан ўтказишди. Таассуфки, аксарият текширувлар чоғида юқорида қайд этилган қонун кўрсатмаларига амал қилинмади.

Қўшимча равишда санитария шифокори ёрдамчилари А.Есеркепов ва А.Юсупбоевлар назорат марказининг 2002 йил 4 декабрдаги буйруғига асосан Бўстон шаҳридаги аралаш моллар ва саноат моллари дўконлари, тадбиркор Х.Ниёзимбетов тасарруфидаги балиқхона, "Элликқалъатутинув" акциядорлик жамияти дўкони ва "Боғёд" фермер хўжалиги ҳудудийдаги 60-дўконларни "ўз нигоҳларидан ўтказдилар". Бош шифокор буйруғига кўра, "АТК-20" акциядорлик жамиятида текшириш ўтказиш санитария шифокори ёрдамчилари А.Искандаров ва И.Ўрозбоевлар зиммасига юклатилган бўлса-да, текширув чоғида уларга назорат маркази гигиена бўлими бошлиғи М.Фахриддинов ҳам «йўлдош» бўлган.

Назорат маркази раҳбарияти тадбиркорлик субъектларини маъмурий жавобгарликка тортиш масаласида холисона йўл тутмади. Шу зайлда 34 нафар тадбиркорлик субъектларига жазо тайинлашда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 294-308-моддаларига риоя қилинмади.

Асосий Қомусимиз бўлган Конституциямизнинг 53-моддасида шундай дейилади: "Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди".

Шунга асосланиб, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Элликқалъа туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори К. Эшимов, гигиена бўлими бошлиғи М.Фахриддинов, санитария шифокорлари ёрдамчилари А.Искандаров ва И.Ўрозбоевларнинг эгаллаб турган лавозимларига лойиқ ёки нолойиқлиги масаласини ҳал қилиш, шунингдек, овқатланиш гигиенаси бўлими бошлиғи А.Бухорбоев, санитария шифокори ёрдамчилари А.Есеркепов ва А.Юсупбоевларни Меҳнат Кодексининг 181-моддаси асосида интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санитари-эпидемиология назорати марказига тақдимномалар киритилди.

Ҳар қандай жабҳада қонун талабларидан чекиниш нохушликдан нишона демакдир. Тақдимнома, ҳар ҳолда, мақтов эмас. Антиқа "назорат" йўлини танлаган тозалик-соғлиқ посбонлари энди қонун олдида жавоб беришади.

**Тожимурод ЭШМУРОДОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Xabar

# ТАҚДИМНОМА КИРИТИЛДИ

Чиноз туманидаги Амир Темур номидаги ширкат хўжалигида яшовчи Ж.Усмоновнинг фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисидаги аризаси хўжалик бошқаруви томонидан қисқа муддатда ўрганиб чиқилди. Ўтган йилнинг 30 июл куни бўлиб ўтган ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилишининг 2-сонли қарори асосида ширкат хўжалиги аъзоси Ж.Усмоновга деҳқончилик йўналиши бўйича фермер хўжалиги ташкил этиш учун йигирма гектар ер майдони 2002 йил деҳқончилик ишлари ниҳоясига етгандан сўнг бериладиган бўлди. Шундан сўнг бўлғуси фермер керакли ҳужжатларни тайёрлаб, рўйхатдан ўтиш божини ҳам тўлаб қўйди. Лекин хурсанд бўлишга ҳали эрта эканлигини сал кейинроқ тушунди. Чунки туман ҳокимлигининг рўйхатдан ўтказиш бўлимида фермернинг аризаси ва тўплаган ҳужжатларини турли баҳоналар билан қабул қилишмади.

Бундан таажжубланган Ж.Усмонов вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. Адлия бошқармасида аризада баён этилган важлар тўлиқ ўрганиб чиқилди. Натижада мазкур масала юзасидан бир қанча қонунбузарликка йўл қўйилгани маълум бўлди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарори билан тасдиқланган "Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатли ижарага бериш" тартибининг 16-17 бандлари, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддаси, Ер Кодексининг 53-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги 347-сонли қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тўғрисида"ги Низом талаблари бузилган бўлса-да, туман статистика бўлими томонидан 2002 йил 28 август куни "Усмонов Жўрабек" фермер хўжалигининг номланиши ва рўйхатдан ўтгани ҳақида 156-сонли гувоҳнома берилган. Шу боис адлия бошқармаси баён этилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш учун Чиноз тумани ҳокимлигига тақдимнома киритилди.

**Рустам ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

